

ПАЛВОНОВ Ўқтам

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти в.б., PhD

АБУЛ МУИН НАСАФИЙНИНГ “АТ-ТАМХИД ФИ ҚАВОИД АТ- ТАВХИД” АСАРИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

СОСТАВ ПРОИЗВЕДЕНИЯ АБУЛ МУИН НАСАФИЙ «АТ-ТАМХИД ФИ КАВАИД АТ-ТАУХИД»

THE STRUCTURE OF THE WORK ABUL MUIN NASAFIY “AL- TAMHĪD FĪ-QAWĀ’ID AL-TAWHĪD”

Аннотация: Абул Муин Насафий (418-508/1027-1115) мотуридия таълимотининг энг машхур олимларидан бири сифатида эътироф этилган. Аллома ушбу таълимотнинг “шаклланиш” босқичига “Табсират ал-адилла”, “ат-Тамҳид фи қаваид ат-тавҳид”, “Баҳр ал-калом” каби машхур асарлари билан катта ҳисса қўшган. Жумладан, унинг “Ат-Тамҳид фи усул ад-дин” асарида ақидавий масалалар 33 та фаслга таснифланган бўлиб, улардан 17 таси бевосита Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларига оид.

Таянч сўзлар: калом, ақоид, Мотуридийлик, қидам, ҳодис, шайъ, олам, жавҳар, жисм, аъроз, аъён.

Аннотация: Абул Муин Насафи (418-508/1027-1115) считался одним из самых известных исследователей учения Матуридия. Аллама внес большой вклад в стадию «формирования» этого учения такими известными произведениями, как «Табсират аль-адилля», «аль-Тамхид фи кавайд аль-таухид», «Бахр аль-калам». В частности, в его работе «Аль-Тамхид фи усул аль-дин» вопросы доктрины классифицируются на 33 главы, 17 из которых непосредственно связанные с сущностью (зат) и качествами (сыфат) Аллаха.

Ключевые слова: аль-калām, аль-акāид, Мāтуридия, аль-кидам (Предвечность), хāдис, шай, вселенная, джавхар, джисм, аърāз, аъйāн.

Abstract: Abul Muin Nasafi (418-508/1027-1115) was considered as one of the most famous scholars of the Māturīdīyya teachings. Allama made a great contribution to the “formation” stage of this doctrine with such famous works as “Tabṣirat Al-Adilla”,

“al-Tamhīd li-qawā’id al-tawhīd”, “Baḥr al-kalām”. In particular, in his work “al-Tamhīd li-qawā’id al-tawhīd”, doctrinal issues are classified into 33 chapters, 17 of which are directly related to the essence (zat) and attributes (syfat) of Allah.

Keywords: al-kalām, al-‘aqā’id, Māturīdīyya, al-qidam (Pre-eternity), ḥādīṭ (occurrence), shay’, universe, jawhar, jism, a’roz, a’yon.

КИРИШ

Мотуридия таълимоти ривожига XI-XII асрларда Мовароуннахрда яшаган олим Абул Муин Насафий (418-508/1027-1115) нинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Унинг соҳага доир асарлари ёзилганидан буён дунёнинг турли ўлкалардаги мадрасаларда асосий дарслик ва қўлланмалар сифатида ўқитилган. Жумладан, олимнинг “ат-Тамҳид” асари ҳам ўтган давр мобайнида машхур олимлар диққат марказида бўлиб келгани ва шарҳ, ҳошиялар ёзилгани унинг катта аҳамиятга эғалигига далолат қилади. Чунончи, мотуридия таълимоти нафақат мусулмон давлатларида, балки Ғарб мамлакатларидаги исломшунослик тадқиқот марказларида илмий жиҳатдан ўрганилган ва бу жараён давом этмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Манбашунослик жиҳатидан муайян бир асарнинг ўз соҳасидаги аҳамияти ва салмоғини белгилашда ўша китоб ёзилишига асос бўлган манбалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, Абул Муин Насафий “ат-Тамҳид” асарининг Мотуридия таълимоти ривожигаги ўрнини аниқлаш учун ҳам, уни мазкур жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Олимнинг ушбу асари номланиши манбаларда ҳар хил шаклда келган. Жумладан, таниқли ҳанафий олимлардан бири Ҳисомуддин Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Али Сиғнокий Бухорий (ваф. 714/1314 й.) ушбу матнга ёзган “ат-Тасдид фи шарҳи-т-Тамҳид” номли шарҳи муқаддимасида уни “ат-Тамҳид” тарзда келтирган [4:185]. Яъни, “ат-Тамҳид” номи билан кифояланган. Зеро, шорих ўзига асарнинг етиб келган санадини У устози Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (ваф. 693/1293 й.) дан, у Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад Имодий Кардарий (ваф. 642/1244 й.) дан, у Бурҳонуддин Абулҳасан Али

ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ибн Халил Риштоний Марғилоний (ваф. 593/1197 й.) дан, у Зиёуддин Муҳаммад ибн Хусайн ибн Носир ибн Абдулазиз (ваф. 545/1150 й.) дан, у Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 539/1144 й.) дан, у эса, Сайфулҳаққ Абулмуин ан-Насафийдан ушбу асарни таълим олган [4:185-186].

Баъзи табақот манбаларида асарнинг мазкур номига қўшимча иборалар ҳам учрайди. Жумладан, машхур ҳанафий олимларидан Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Курайший (696-775/1297-1374) “ал-Жавохир ал-мудия фи тобақот ал-ҳанафия”, Исмоил Пошшо Бағдодий (ваф. 1339/1920) “Ҳадияту-л-орифин: асмоу-л-муаллифин ва осору-л-мусаннифин”, Хайруддин аз-Зириклий (1893-1976) “ал-Аълом”, Ҳожи Халифа (1017-1068/1608-1657) “Кашф аз-зунун” асарларида ушбу манбани “ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” шаклида келтирганлар [9:527; 5:487; 12:345]. Лекин, Абу ал-Адл Зайнууддин Қосим ибн Кутлубғо (ваф. 879/1475) “Тож ат-тарожим фий ат-табақоти ал-ҳанафийя” асарида эса, у “Китоб ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” шаклида келтирган [1:79]. Яъни, унинг номига “китоб” сўзи қўшимча қилинган.

Аммо, Абдулхай Муҳаммад Қобил ва Муҳаммад Абдулрахмон аш-Шоғул каби олимлар ушбу асарни таҳқиқ қилиб, “ат-Тамҳид фи усул ад-дин” ва “ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” номлари остида нашр қилганлар [6; 2]. Шунингдек, “ат-Тамҳид”нинг Туркиядаги Шаҳид Али Пошо фондида 1579-рақам билан сақланаётган ир қўлёзма нусхасида унинг номи “Китоб ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид фи ал-усул” шаклида [7] ва Қора Чалабизода фондида 347-рақам билан сақланаётган қўлёзма нусхасида унинг номи “Китоб ат-Тамҳид” тарзда берилган [8]. Зеро, асарга берилган мазкур номларнинг умумий жиҳати бу – “ат-Тамҳид” иборасидир.

Олим “ат-Тамҳид фи қавоид ат-тавҳид”да ақидавий масалалар мантикий изчилликда келтирилган ва вазият тақозасига кўра, улар баъзан нақлий ва баъзан алқий ҳамда бошқа ўринда ҳар иккита далиллардан ҳам мавзуларни исботлашда унумли фойдаланган. “Ат-Тамҳид” асари таркибий жиҳатдан муқаддима ва ўттиз учта фаслдан иборат [3]. Жумладан, улар қуйидаги тартиб ва мазмунда:

Асар муқаддимасида Аллоҳ таолога ҳамд, Расулulloҳ (с.а.в.) га саловотлар, шунингдек, Амирлик ва сиёсатда, бошчилик ва улугворликда энг юқори даражадаги муваффақият чўққисига диндаги қатъият ҳамда тўғри мазҳабни мустаҳкам тутиш билан эришган бир зотга бидъат ва залолат тарофдорлари, хатога тобе ва жаҳолатга эргашувчилардан бўлган хийлагар кимса макр-хийла қилганда, динда қатъият ва тўғри мазҳабни мустаҳкам тутиш каби сифатлар билан тилга олинган зот ҳақидаги сўзлар билан бошланади.

الكلام في إثبات الحقائق و العلوم

Ҳақиқатлар ва илмларни исботлаш ҳақидаги фаслда илмга таъриф берилгандан сўнг, нарсанинг ҳақиқати тўғрисида сўз юритилади. Нарсаларнинг ҳақиқатлари барқарорлиги ва уларни билиш тасдиқланганлиги, нарсаларнинг ҳақиқатини инкор қилувчилар билан мунозара қилади, нарсанинг ҳақиқати йўқ ва уни билиб бўлмайдиган, деганларга қарши ўзининг далилларини ифодалайди. Сўнгра, муаллиф билиш назариясига асос бўлган илм сабабларини баён қилиб, уларни учга бўлади: беш сезги аъзо, рост хабар ва ақл.

فصل في اثبات حدوث العالم

Оламнинг пайдо бўлганини исботлаш ҳақидаги фаслда оламнинг пайдо бўлганлиги, хусусан муаллиф оламни икки қисмга бўлади: аёнлар (яъни, ўзича мавжуд бўла оладиган нарса - субстанция бўлиб, унинг иккита: мураккаб ва содда тури мавжуд. Биринчиси, таркибий қисмлардан ташкил топса, у жисм ҳисобланади ва иккинчиси, таркибий қисмлардан ташкил топмаса, у қисмларга ажралмайдиган энг кичик заррасимон бўлақдир) ва аразлар (яъни, ўзича мавжуд бўла олмайдиган, балки жисм ва жавҳарларда пайдо бўладиган нарсалардир). Аён ва аразга атрофлича таъриф берилади, улар ҳам ўз навбатида бир неча қисмга бўлинганлиги ҳақида айтилади.

فصل في أن العالم له محدث

Ушбу фаслда оламнинг Яратувчиси мавжудлигини исботлашга киришади. Бунда аввал оламнинг ҳодис – пайдо бўлувчи эканини исботлайди, шундан кейин унинг яратувчиси бўлиши лозимлиги асосланади.

فصل في إثبات وحدانية الصانع جل و جلا له

Яратувчининг ягоналигини исботлаш ҳақидаги фаслда олам Яратувчисининг ягона эканлиги борасида сўз бориб, Яратувчи ягона бўлиши айтилади. Чунки, фаразан, оламнинг

иккита яратувчиси бўлганда эди, уларнинг ўртасида ўзаро бир-бирларига ҳалакит бериш – зиддият юзага келарди. Бу эса, уларнинг иккитаси ёки улардан фақат бири пайдо бўлганини исботлашга далил ҳисобланади. Оламнинг иккита қадим яратувчиси мавжудлигини исботлаш амри маҳол ҳолатлиги асосланган.

فصل في إثبات قدم الصانع

Яратувчининг қадимлигини исботлаш ҳақидаги фаслда оламнинг Яратувчиси қадимлиги борасида сўз боради.

فصل في أن صانع العالم ليس بعرض

Оламнинг Яратувчиси аъроз эмаслиги ҳақидаги фасл. Оламнинг Яратувчиси аъроз эмас. Чунки, аърознинг боқий қолиши мумкин бўлмайди. Аърознинг боқий қолиши иложсиз экан, унинг қадим бўлиши ҳам тасаввур қилинмайди.

فصل في أن صانع العالم ليس بجوهر

Оламнинг Яратувчиси жавҳар эмаслиги ҳақидаги фаслда оламнинг Яратувчиси жавҳар эмаслиги, жавҳарга таъриф берилади ва Оламнинг Яратувчиси жавҳар эмаслиги етарлича далиллар билан исботланади.

فصل في أن صانع العالم ليس بجسم

Оламнинг Яратувчиси жисм эмаслиги ҳақидаги фасл. Оламнинг Яратувчиси жисм эмас. Чунки, жисм бу – бўлақлардан таркиб топувчи нарсанинг номидир. Шунга кўра, “бу жисм нариги бир жисмдан кўра зичроқ”, деган маънони англатади. Ушбу бобда Яҳудийлар, жаварибия, жавалиқия, хишомия сингари рофизия тоифалар ва карромийлар каби тоифалар кабига қарши раддиялар берилади. Аллоҳ таолога жисм нисбатини бериб бўлмасик ҳолати далиллар билан исботланиб, шарҳланган.

فصل في استحالة وصف الله - تعالى - بالصورة و اللون و الطعم و الرائحة

Аллоҳ таолони сурат, ранг, таъм ва ҳид кабилар билан васф қилишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги фасл. Қадим Яратувчини сурат, ранг, таъм ва ҳид каби сифатлар билан васф қилиш мумкин эмас. Чунки уларда жисмлик хусусияти пайдо бўлиб қолади. Чунончи, “кайфият” сўзи қиёфаларни, суратларни, рангларни ва ҳолларни англатади. Буларнинг барчаси Аллоҳ таоло борасида мумкин эмасдир.

فصل في إبطال التشبيه

Аллоҳ таолони бирор нарса ёки кимсага ўхшатишни бекор қилиш ҳақидаги фасл. Қадим Яратувчи бу оламга ва оламдаги бирор нарсага шакл-шамоиллардан ҳеч бирида ўхшамайди. Чунки, иккита бир-бирга ўхшаш нарса бу – иккита бир хиллик бўлиб, улардан бири иккинчисининг вазифасини бажаради ва ўрнини босади.

فصل في إبطال القوة بالمكان

Аллоҳ таолога нисбатан макон беришга оид қарашнинг асоссизлиги ҳақидаги фасл. Маконнинг қадимлиги борасидаги қарашнинг ёлғонлиги сабабли, ас-Сониъ (жалла жалолуҳу) бирор маконда Ўз вужуди билан жойлашган, деб васф қилинмайди. Шундай экан, У азалдан бирор бир маконда ўрнашувчи эмасдир. Қачонки, Аллоҳ таоло азалдан бирор бир маконда ўрнашувчи эмас экан, Аршга ҳам тегиб турмайди. Агарда Аллоҳ таоло муайян маконни яратиб, ўша жойда ўрнашадиган бўлса, Ўзидаги нарса ўзгаради ва Унда ўзаро тегишиб туриш юзага келади. Ўзгариш ва ҳодиса хоссасига эга бўлиш эса, пайдо бўлишлик белигиларидан бўлиб, бу Аллоҳ таолога нисбатан мумкин эмасдир.

فصل في إثبات الصفات

Аллоҳ таолонинг сифатларини исботлаш ҳақидаги фасл. Ушбу фаслда Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари санаб ўтилган, ёритилган, маълумот берилган. Чунончи, Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари саккизта: “тириклик”, “қудрат”, “илм”, “калом”, “эшитиш”, “кўриш”, “ирода” ва “таквин”. Бу ўринда “калом” ва “таквин” сифатларидан бошқа барчаси ҳақида маълумот берилган бўлиб, у иккиси алоҳида фаслда ёритилган. Бунга сабаб, у иккиси ҳақида нисбатан кўпроқ баҳс бўлганидир.

فصل في إثبات أزلية كلام الله تعالى

Аллоҳ таолонинг Калом сифатининг азалийлигини исботлаш ҳақидаги фасл. Аллоҳнинг каломи ҳақида фикр юритади ҳамда аҳли суннанинг бу ҳақидаги ақидасини исботлайди. Аллоҳнинг каломи аҳли ҳақ мазҳабида азалий сифат бўлиб, ҳарф ва овоз жинсидан бўлмаган, жимлик ва офатни қабул қилмайдиган сифатдир. Аллоҳ таоло бу сифат билан гапирувчи, буюрувчи, наҳий (тақиқ) қилувчи ва хабар берувчидир. Мазкур иборалар унинг калом сифатига далолат қилади. Бу ибораларнинг Аллоҳнинг каломи, деб аталиши Аллоҳнинг зотида барпо бўлган азалий калом сифатидан иборат бўлаётгани маъносидадир.

Бу фаслда адашган мўтазила каби тоифаларга илмий асосда раддиялар берилган.

فصل في أن التكوين غير المكون و ان التكوين أزلى و أن الله تعالى لم يزل به خالقا

Аллоҳ таолонинг “Таквин” сифати ҳақидаги фасл. Ушбу фаслда Аллоҳ таолонинг саккизинчи зотий сифати бўлган “таквин” ҳақида баҳс юритилади. Таквиннинг азалий сифат эканлиги далиллар билан асосланган ва иккинчи, муҳолиф томонга раддиялар берилган. Шунингдек, таквин ва мукавван бир тушунчами ёки алоҳида-алоҳида тушунчаларми, деган масалага ҳам ойдинлик киритилиб кетилган.

فصل في إثبات الإرادة

Аллоҳ таолонинг “Ирода” сифати ҳақидаги фасл. Оламнинг яратувчиси уни ўз ихтиёри билан яратди. Ўз ишида ихтиёри бўлмаган зот мажбур бўлувчидир. Мажбур бўлувчи эса ожиздир. Ихтиёр иродасиз бўлмайди.

فصل في أن صانع العالم حكيم

Олам Яратувчисининг Ҳақимлиги ҳақидаги фасл. Олам Яратувчиси ҳақимдир. Чунончи, “ҳикмат” илм маъносиди бўлса, “ҳақим” бу – олим ҳисобланади.

فصل في إثبات رؤية الله تعالى

Аллоҳ таолони кўриш мумкинлигини ақлий далил билан исботлаш борасидаги фасл. Қиёмат кунда Аллоҳ таолони мўминларнинг кўриши вожиблиги борасида самъий (Қуръон ва ҳадис) далил келтирилган. Кўриш кўрувчи ва Аллоҳ таоло ўртасида маконсиз, юзма-юз туриш жиҳатисиз, кўз нурининг бирлашиб кетишисиз ва масофасиз содир бўлиши айtilган. Олим ушбу фаслда муътазилия, нажжория, хаворижнинг барчаси ва рофизиядан зайдия каби тоифаларига, уларнинг Аллоҳ таолони кўриш мумкин эмас деган қарашларига нисбатан раддиялар бериб, далиллар билан исботланган.

فصل في إثبات الرسالة

Рисолатни исботлаш ҳақидаги фасл. Ушбу фасл пайғамбарликни исботлашга бағишланган. Аллоҳ тарафидан келган таклифлар (мажбуриятлар)ни ақл инкор қилмайди.

فصل في إثبات كرامات الأولياء

Авлиёларнинг кароматини исботлаш ҳақидаги фаслда Абул Муин Насафий авлиёларнинг каромати ҳақидаги баҳсга киришади ва унинг мумкинлигини айтади. Авлиёларнинг кароматини инкор қилувчи мўтазилалар каби тоифаларга қарши раддиялар

беради, далиллар билан каромат ҳақлиги, ҳақиқатда содир бўлишини исботлайди.

فصل في أن الاستطاعة مع الفعل

Иститоатнинг феъл билан бир вақтда юзага келиши ҳақидаги фасл. Иститоатнинг икки қисми ва далиллари ҳақида сўз юритилган.

فصل في إثبات خلق أفعال العباد

Бандалар амалларининг яратилишини исботи ҳақидаги фасл. Бандаларнинг амаллари ҳақидадаги ихтилофларни зикр қилади. Чунинчи мўтазилийлар фикрича, бандаларнинг амаллари мустақил ўз ҳолига ташлаб қўйган. Бу ишларни йўқдан бор қилишга, ҳосил қилишга бандаларнинг ўзлари масъул ва қодир.

فصل في أن المتولدات مخلوقة الله تعالى

Пайдо бўладиган нарсаларни Аллоҳ таоло яратганлиги ҳақидаги фасл. Ушбу фаслда борлиқдаги барча ҳаракат ва ҳаракатсизлик, содир бўлган ва бўлаётган ва келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳодиса ва воқеалар, нарсаларнинг фаолияти фақат Аллоҳ таоло томонидан яратилиши ҳақида баҳс юритилган.

فصل في أن المقتول ميت بأجله

Ўлдирилганнынги ўз ажали билан ўлганлиги ҳақидаги фаслда айтиб ўтилган нарсаларни исботлаш билан ўлдиришлик ҳам бандада барпо бўлган бир иш эканлиги собит бўлади. Бу иш Аллоҳ таоло унинг изидан – бир жонзотда – ўлимни яратадиган ишдир. Ушбу фаслда мўтазилийларга раддия берилган, далиллар билан исботлаб берилган.

فصل في الأرزاق

Ризқлар ҳақидаги фасл. Ушбу фаслда бандаларнинг ва жонзотларнинг, умуман олганда барча махлуқотларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасида эканлиги борасида сўз юритилади, мўтазилийларга раддия берилади.

فصل في أن المعاصى بإرادة الله تعالى و مشيئته

Банда томонидан содир этиладиган гуноҳ ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан боғлиқлиги борасидаги фаслда Банда феълларининг яхшиси ва ёмони, тоатлари яратувчи зот Аллоҳ эканлиги, Аллоҳ таоло яратадиган нарсаларини яратишда мажбур эмас, балки ихтиёрли зот эканлиги борасида гап боради.

فصل في القضاء و القدر

Қазо ва қадар ҳақидаги фаслда қазо ва қадар ҳақида баҳс юритилган, қадарийларга ҳам, жабарийларга ҳам раддиялар берилган.

فصل في الهدى و الإضلال

Ҳидоятга бошлаш ва адаштиришлик ҳақидаги фаслда бандаларнинг феъллари

яратилганлиги исботланиши билан ҳидоятга бошлаш ва адаштириш ҳақидаги масала тўғрисида сўз боради.

فصل في إبطال القول بالإصلاح

Аллоҳ таолога банда учун манфаатли нарсани яратиш вожиб эмаслиги ҳақидаги фаслда бандаларнинг феъллари яратилиши ва куфр ва гуноҳкорлик зарарли бўлса ҳам Аллоҳ таоло тамонидан яратилган эканлиги исботланганлиги борасида сўз боради. Бу билан албатта бандага манфаатли ишни яратиш Аллоҳнинг зиммасига лозим эмаслиги ҳақидаги масала ҳам собит бўлади.

فصل في إثبات عذاب القبر

Қабр азоби мавжудлиги ҳақидаги фаслда барзах ҳаёти ҳақида сўз юритилади, шунингдек, мўтазилаларнинг бу борадаги қарашларига нақлий эмас, ақлий далиллар асосида раддиялар берилади.

فصل في وعيد فساد المسلمين

Гуноҳкор мусулмонлар огоҳлантирилган азоблар ҳақидаги фаслда гуноҳ қилган мусулмонларга бериладиган азоблар борасида, огоҳлантирилганлиги борасида сўз юритилади. Хаворижия каби фирқаларга раддиялар берилади.

فصل في إثبات الشفاعة

Шафоатни исботлаш ҳақидаги фаслда шафоат ҳақида, катта гуноҳ қилувчи кишилар учун мағфират жоиз бўлса, анбиёлар, расуллар ва бошқа яхши кишиларнинг шафоати билан мағфират бўлиши жоизлиги борасида баҳс юритилади, мўтазилийларга раддия берилади.

فصل في مائنة الإيمان

Иймон тушунчаси ҳақидаги фаслда иймон тушунчаси, унинг таърифи, турлари ҳақида сўз юритилади, шунингдек адашган тоифалардан ташқари Аҳл ас-сунна ва-л-жамоадаги ашъария таълимоти вакиллари ҳам раддия берилади.

فصل في الإمامة

Имомат тўғрисидаги фаслда хулафои рошидинлар ва уларнинг даврлари борасидаги ҳужжатлар таҳлил қилинган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “ат-Тамҳид фи усул ал-дин” асарининг қимматли томонларидан бири, у олимнинг бугунги кунда топилмаган “*Ийзоҳу-л-маҳажжати фи кавни-л-ақли ҳужжатан*” каби бир қатор асарлари бўлгани ва унинг калом илмига оидлиги

ҳақида ҳам илмий тасаввур ҳосил қилишда ҳам маълумотларни беради. Масалан, Абул Муин Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асари аввал ёзилган каломга оид энг катта асар ҳисобланади. “ат-Тамҳид”да эса, унинг мухтасар саналади. Унда кетирилган ақидавий масалалар мантикий кетма-кетликка асосланган 33та фаслга тақсимланган. Кириш қисми Аллоҳ таолога ҳамд, Расулulloҳ (с.а.в.)га саловотлар билан бошланиб, сўнг ақидавий масалалар бир-бирига узвийлик асосда фаслларга таснифланган. Олим “ат-Тамҳид” асаридаги масалаларни ёритишда ўзининг калом илмига оид энг катта китоби “Табсиратул Адилла”га 5та ўринда ишора қилган. Хусусан, “Рисолатни исботлаш ҳақидаги фасл”да бир ўринда ва “Имомат тўғрисидаги фасл”да тўрт ўринда фойдаланган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абулфидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. – Димашк: Дор ал-қалам, 1992. – 568 б.
2. Абул-Муин ан-Насафий ал-Ҳанафий ал-Мотуридий. Ат-Тамҳид фи усул ад-дин / Таҳқиқ муаллифи: Муҳаммад Абдулрахмон аш-Шоғул. – Қоҳира: ал-Мактаба ал-азҳария, 2006. – 168 б.
3. Ал-Имом Абу ал-Муъин ан-Насафий. Китоб ат-Тамҳид ли қаваид ат-Тавҳид. – Қоҳира: Дор ат-Тибаат ал-муҳаммадия, 1986. – 431 б.
4. Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ал-Сигнокий. Ат-Тасдид фи Шарҳ ал-Тамҳид. – Байрут: Дора р-раёҳин, 2021. – 768 б.
5. Исмоил Пошшо Бағдодий. Ҳадиятул орифин Асмаул муаллифин ва асарул мусаннифин. – Байрут: Дор ихйи ат-турос ал-аробий, 1955. – Ж. II. – 678 б.
6. Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ат-Тамҳид фи усул ад-дин / Таҳқиқ муаллифи: Абдулхай Муҳаммад Қобил. – Қоҳира: Дор ас-сақофа, 1987. – 148 б.
7. Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ат-Тамҳид фи усул ад-дин. – Туркия: Шаҳид Али Пошо фонди, 1579 рақамли қўлёзма. – В. 1а-2а.
8. Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ат-Тамҳид фи усул ад-дин. – Туркия: Қора Чалабизода фонди, 347-рақамли қўлёзма. – В. 159а-160а.
9. Мухйиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ ал-Қурайший. Ал-Жавоҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. – Қоҳира: Ҳижр ли ат-тибаати ван-нашр, 1993. – Ж. III. – 688 б.
10. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-Илмий ли-л-малайин 2002. – Ж. VII. – 352 б.